O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 19-IYUN ■ SHANBA ■ 74 (27.249) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ТАШРИФ ЯКУНЛАНДИ

Давлат ташрифи билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ХХР Раиси Ху Цзиньтао 18 июнь куни рафиқаси билан қадимий Бухоро шаҳрига ташриф буюрди. Шаҳар аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

Икки давлат раҳбарлари дастлаб муҳташам Аркка ташриф буюрдилар. Бу қалъа қарийб 4,2 гектар майдонни эгаллайди. Маълумотларга қараганда, Аркнинг бунёд этилганига 1,5 минг йилдан ошган. Ноёб обида Хитой раҳбарида катта таассурот қолдирди.

Меҳмонлар IX-X асрларда бунёд қилинган ва ҳалигача ўзининг мукаммал математик ўлчовлари, шарқона безаклари билан ҳар бир кишида ҳайрат ва қизиқиш уйғотадиган Исмоил Сомоний мақбарасини томоша қилдилар.

Пойи Калон мажмуининг шуҳрати дунёга ёйилган. ХХР Раисига обида ҳақида батафсил маълумот берилди. Минораи Калон пойдевори 10 метр чуқурликда жойлашган, ерусти қисмининг баландлиги эса қарийб 50 метрга етади. Марказий Осиёдаги энг йирик масжид — Масжиди Калон Шарқнинг қўли гул меъморлари томонидан XV-XVI асрларда бунёд этилган. Истиқлол йилларида, Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи арафасида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан у тубдан таъмирланди. Мажмуа таркибига кирувчи Мир Араб мадрасасида ҳозир талабалар диний ва дунёвий фанларни чуқур ўрганмоқдалар.

Ху Цзиньтао Ўзбекистонда тарихий ёдгорликларни, миллий-маданий меросни асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказиш масалаларига алоҳида эътибор берилаётгани таҳсинга сазовор эканлигини таъкидлади. Халқларимизнинг Буюк ипак йўли орқали ривожланган қадимий алоқалари, бой маданий ва тарихий мероси бугунги кунда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун яхши асос бўлиб хизмат қилишини қайд этди. Олий мартабали меҳмон Хитой Ўзбекистон билан сайёҳлик соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканлигини маълум қилди.

Ху Цзиньтао кўрсатилган юксак иззат-икром ва эҳтиром учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Ташриф асносидаги келишувлар яқин орада самарасини беришига ишонч билдирди. ШҲТнинг Тошкент саммити юқори савияда, муваффақиятли ўтгани барча аъзо мамлакатлар учун қувонарли, Ўзбекистон учун эса алоҳида ютуқ эканлигини қайд этиб, Ислом Каримовни бу ютуқ билан яна бир бор самимий қутлади.

Шу куни ХХР Раиси Ху Цзиньтао Бухородан жўнаб кетди.

Аэропортда олий мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кузатиб қўйди.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири**

## «NESTLE SUTIM» — АРЗОН ВА СИФАТЛИ

Яқин кунларда республикамиз дўконларида «Nestle Sutim» сути янгича қадоқларда савдога чиқарилади. Унинг бир литрли пакетларга қадоқланган дастлабки туркуми Наманганадаги «Nestle Ўзбекистон LLC» қўшма корхонаси заводида тайёрланган. Бундай янгилик — харидоргир саналган маҳсулот турини кенгайтиришга нисбатан чинакам бозор ёндашувининг намунасидир. Гап шундаки, машҳур компания пухта тадқиқотлардан сўнг муқаддам чиқарилаётган «Nestle» сути сифатини сақлаб қолган ҳолда нархини ўзгартириш зарур, деган хулосага келди. Яхши ўйлаб чиқилган маркетинг сиёсати, яъни янада арзонроқ қадоқлаш идишига ўтиш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга қаратилган чоралар туфайли арзонроқ маҳсулот — аввалгидек барча тўйимлилик сифатини сақлаб қолган «Nestle Sutim» сути олинди.

Мутахассисларнинг ҳисоблашларича, нархнинг қарийб 30 фоизга арзонлашуви истеъмолчиларнинг барча қатламлари сутни харид қила олишларига имкон беради. Айни кезда бундай сутнинг кўплаб ишлаб чиқарилиши қайнатиладиган ва натижада тўйимлилик сифатини йўқотадиган «кўчанинг» сифатсиз сутини сиқиб чиқаради.

Компания ўз маҳсулотини оммавийлаштиришни кўзлаб, сутни «Дамас»ларда харидорларга етказиб беришни режалаштирган.









**Суратларда:** қўшма корхона меҳнат жамоасининг бир гуруҳи; «Nestle Sutim»нинг тайёр маҳсулоти; ишчи Миноввар Нормирзаева.

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар**

## ТАЪЛИМДАГИ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ ТОШКЕНТ

**(ЎзА мухбири Н.Усмонова).** Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётга изчил татбиқ этилаётир. Бу борада жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан ҳамкорлик ҳам яхши самара бермоқда.

Япония ҳукуматининг Беғараз ёрдам дастури бўйича «Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар ажратиш лойиҳаси — (JDS/» ана шу мақсадга хизмат қилади. Вазирлар Маҳкамасида Кунчиқар юртнинг ушбу грантига оид алмашинув ҳужжатларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Беш йил мобайнида муваффақиятли амалга ошириб келинаётган мазкур лойиҳага кўра, юртимиз ёшлари иқтисодиёт, ҳуқуқ, бизнес бошқаруви, менежмент, ахборот технологиялари, халқаро муносабатлар, муҳандислик каби йўналишларда Япониянинг нуфузли университетлари магистратурасида малака ошириб қайтмоқда.

Бу йилги Япония ҳукумати томонидан ажратилган грантлар миқдори 542 миллион япон иенасига тенг бўлиб, яна 20 нафар юртдошимиз Японияда таҳсил олади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато мазкур грантга оид алмашинув ҳужжатларини имзолади.

## БИРИНЧИ ЎЗБЕК МОТОЦИКЛЛАРИ

**Тошкент. (ЎзА мухбири Жамшид Раупов).** «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида YAM 100S моделидаги «YAMAHA» мотоцикллари тақдимоти бўлиб ўтди. Уни мамлакатимизнинг «YMS-TOEMZ» масъулияти чекланган жамияти ташкил этди.

112 мотоциклдан иборат биринчи туркум Тошкент синов-тажриба заводида Япониянинг «YAMAHA» компанияси бутловчи қисмларидан Кунчиқар мамлакат мутахассислари билан биргаликда йиғилди. Жорий йил охиригача бу кўрсаткични 500 тага етказиш режалаштирилмоқда. Мотоцикллар нархининг арзонлиги, оддийлиги ва мустаҳкамлиги билан ажралиб туради.

ЎзХДП ҳаётидан

## ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қоровулбозор туман кенгашининг яқинда бўлиб ўтган III конференциясида асоссиз ва қуруқ мақтовлар бўлмади. Ҳозирги кўппартиявийлик ҳамда ислоҳотлар жараёнида партиямизнинг сиёсат майдонидаги ўрни, мавқеи қандай, бўлажак сайловларда ғолиб чиқишнинг асосий шартлари нимада? Сафларимизни ёшартириш, софлигини таъминлаш масалалари қандай ҳал этилади, бир партиядан иккинчи партияга ўтаётган, ўз эътиқодини ўзгартираётганлардан нимани кутиш мумкин? Бу масалалар нафақат ХДП туман кенгаши биринчи котиби Ибодулла Нурмановнинг маърузасида кўтарилди, балки музокарада сўзга чиққанларнинг ҳам эътиборидан четда қолмади.

— Мамлакатимиздаги бугунги ўзгаришларда партиямиз, унинг аъзолари фаоллиги яққол кўриниб турибди, — деди Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи директори Шамсиддин Саидаҳмедов. — Хусусан, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги сафдошларимизнинг ғайрат-шижоати ҳаммага аён. Ўз ортидан бошқаларни эргаштириб, газ ва нефть конларини топаётган, пахта, дон, қоракўл тери етиштириб, оламни ҳайратга солаётганлар бизнинг партиямиз аъзолари эмасми? Аммо сафларимиз ёшлар ҳисобидан кўпайиши лозим. Партия нашрларига обунани кучайтириш керак. Бундай камчиликларнинг учраётгани боис, ўзимни ноқулай сезяпман ҳозир.

— Ҳаётим шу партия билан боғланганига ҳам анча йиллар бўлди, — деди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси Чўли Қурбонов. — Унга эътиқодим туфайли кўп синовлардан ўтдим. Ёшларга ҳам маслаҳатим — эътиқодда адашманг, дарахт бир ерда кўкаради.

Отахоннинг бу фикри ёшларни ҳушёр торттиргани аниқ. Чунки, айни кунларда вилоятда сиёсий эътиқодини ўзгартириб, янги тузилган партияга ўтаётганлар учрамоқда. Уларнинг аксарияти мансабдорлар — ҳокимлар, ширкат хўжалиги раислари, турли ташкилот раҳбарлари. Улар орасида ҳатто депутатлар ҳам бор. Уларнинг айримларини тушунса бўлади. Нима қилсин? Мансабда қоламан деса, янги партия аъзолигини танлаши керак, бўлмаса... Аммо, улар бир ҳақиқатни ҳам билишадики, ҳозирга қадар аъзо бўлиб турган партия орқали шу даражагача кўтарилганлар, ҳурматга эришганлар. Энди эса кимнингдир қош-қовоғига қарамаса, бўлмаскан! Виждон нима бўлади? Собиқ сафдошлар кўзига қараш-чи?

— Ўйлайманки, бизнинг орамизда бундай одамлар бўлмайди, — деди «Чўлқувар» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти котиби Нормат Курбаев. — Олдимизда эса катта сиёсий синов турибди. Бўлажак сайловлар партиядошларимиздан мустаҳкам жипсликни, фаолликни, дадилликни талаб қилади.

Сўзга чиққан туман ҳокимлиги бошланғич партия ташкилоти котиби Саодат Бекҳайдарова, туман ҳокими муовини Зикрилла Жумаев ва бошқалар партия ташкилоти фаолиятига холис баҳо бериб, айрим камчилик ва нуқсонларни ҳам очиб ташладилар...

ЎзХДП туман кенгаши биринчи котиблигига Ибодулла Нурманов қайта сайланди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

«Пилла — 2004»

## «КУМУШ ТОЛА» РЕЖАСИ БАЖАРИЛДИ

Қашқадарёликларнинг тайёрлов ташкилотларига етказиб берган 1815 тоннадан зиёд пилла хирмонига Қарши, Миришкор, Яккабоғ, Касби, Нишон, Чироқчи туманлари заршунослари муносиб улуш қўшдилар.

Қарши туманидаги С.Раҳимов номли, Касби туманидаги А.Навоий номли, Миришкор туманидаги «Жейнов», Ғузор туманидаги Охунбобоев номли, Китоб туманидаги К.Рустамова номли, Шаҳрисабз туманидаги «Ўзбекистон», Яккабоғ туманидаги А.Темур номли хўжаликларда ҳар қути қурт уруғидан 60 килограммгача етказиб ҳосил кўтарилди.

**Юнус УЗОҚОВ**

Спорт

## БИТТА ОЛТИН, ИККИТА БРОНЗА

Кўп йиллик танаффусдан сўнг, юртимиз бадиий гимнастикачилари халқаро мусобақаларда яна ўзларини кўрсата бошладилар. Хитойда якунланган навбатдаги Осиё чемпионатида терма жамоамиз аъзолари бир олтин ва иккита бронза медали билан тақдирландилар.

— Бу мамлакатимизда спортни юксалтиришга катта аҳамият берилаётганлигининг самарасидир, — дейди Ўзбекистон бадиий гимнастика федерацияси бош котиби Зарина Абдуллаева. — Ўттизга яқин давлатлар нафосат маликалари қатнашган қитъа баҳсларида Ульяна Трофимова копток машқида олтин, кўпкураш бўйича бронза медалига сазовор бўлди. Мусобақанинг булава машқида эса Алеся Ашаева фахрли учинчи ўринни эгаллади. Юртимизда бу нафис спорт турини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилаётган бир пайтда юқоридаги кўрсаткичлар ҳали бизни қониқтирмайди. Айни пайтда бадиий гимнастика турини нафақат шаҳарлар, балки қишлоқларимизда ҳам оммалаштиришга ҳаракат қиламиз. Бу, албатта, ўз самарасини беради, деб ўйлайман. Осиё чемпионатида эришилган натижа эса бизни янада кўпроқ ишлашга, изланишга ундаши шубҳасиз.

**Эркин ХОЛБОБО**

## ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Кармана тумани марказидаги ганч ўймакорлиги ва ганч нақшкорлиги учун зарур маҳсулотлар: гипс, албастир, бўр ишлаб чиқарувчи «Баҳодир Сафар» хусусий цехи иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида у ойига 250-300 тонна ганч ва ганч маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. 15 нафар маҳаллий ёшлар муқим иш ўринлари билан таъминланди.

— Маҳсулотларимиз нафақат навоийликлар, балки Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари қурувчилари, ганчкорларига ҳам қўл келмоқда, — дейди корхона раҳбари Баҳодир Сафаров. — Хомашёни Когон ва «Дул-дул» ганч-тупроқ конларидан олаяпмиз. Келгусида мармар кесиш ва кулолчилик цехлари ҳам очиш ниятимиз бор. Шунда яна ўнлаб кишиларга янги иш ўринлари очилади.

**Музаффар ШАРОПОВ**

## ҚАДИМИЙ САНЪАТ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Хитой халқи санъати кўргазмаси ташкил этилди. Мазкур кўргазманинг очилиши мамлакатимизда ўтказилган Хитой маданияти кунларига уйғунлашиб кетганлиги халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ривожи Буюк ипак йўли анъаналари бўй кўрсатаётганлигини ифода этади.

Намойиш этилаётган тош ва бронзадан ясалган ҳайкалчалар, ўймакорлик ишлари, машҳур хитой чинниси, шунингдек, тасвирий санъат асарлари ўзининг ранг-баранглиги ҳамда хитойликлар турмуш тарзи-ю орзу-интилишлари юксак бадиий акс этгани билан кишини ҳайратга солади. XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларига оид бу ноёб асарлар инсоният цивилизацияси тарихида буюк хитой маданиятининг муҳим ўрин тутажагини яққол кўрсатиб турибди.

Куни кеча музейга ташриф буюрган хитойлик меҳмонлар Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган экспонатлар асосида Мансур Сиддиқов, Ҳикмат Умаров, Раҳима Мухторова, Доно Ўтбосарова томонидан тайёрланган ушбу кўргазмани мамнуният билан томоша қилдилар.

Хитой халқига ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида намойиш этилаётган мазкур кўргазма халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқалар янада мастаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради.

**Нуриддин ОЧИЛОВ**

## ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ — МОСКВАДА

Москвада МДҲ ва Болтиқ мамлакатлари киночиларининг VIII Форуми якунланди. Анжуманда иккинчи маротаба мамлакатимиз киномаҳсулотлари кенг кўламда тақдим этилди — танловда намойиш этилган 70 та фильмдан 10 таси Ўзбекистон киноусталари ижодига мансуб эди. Кинофестиваль ҳайъати ўзбек киноасарлари профессионал ва бадиий савияси юқорилигини қайд этди. Улар томошабинларга тўла залларда намойиш этилгани эса ушбу фикрнинг норасмий тасдиғи бўлди.

Кинофорум кунлари Ўзбекистон ҳайъати аъзолари ва Ҳамдўстлик давлатларининг таниқли киноарбоблари мамлакатимизнинг Москвадаги элчихонасига ташриф буюришди. Мазкур учрашув чоғида кино санъатининг бугунги аҳволи, истиқболлари ва бу йўналишдаги ҳамкорлик истиқболлари хусусида фикр алмашилди. Хусусан, россиялик кинорежиссёр ва актёр В.Меньшов ўз сўзида мамлакатимиз киночилари билан яқин алоқага эгалиги, уларнинг фаолиятини доимо кузатиб бориши ва, айниқса, шогирди, бугунги кунда таниқли ўзбек кинорежиссёри З.Мусоқов ижодидан мамнунлигини изҳор қилди.

**Музаффар ЗОҲИДОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
Москва.

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Лицензия № 25

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Лицензия № 000005

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz

**Кучли давлатдан — кучли жамият сари**

# ИНСОННИНГ ИЖТИМОИЙ МАНФААТЛАРИ — ПАРТИЯ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

## ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСДАГИ ФРАКЦИЯСИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН НАВБАТДАГИ «ДАВРА СУҲБАТИ» «АҲОЛИГА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ТАРИФ СИЁСАТИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ» МАВЗУСИДА БЎЛДИ

**Бундай масала кун тартибига тасодифан қўйилмади. Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Аслиддин РУСТАМОВ йиғилишни очар экан, иштирокчиларга партия 1999 йилдаёқ бу масалада ўз нуқтаи назарини аниқ белгилаб олганлигини эслатиб ўтди. ХДП Дастурининг янги таҳририда қайд этилганидек, партия бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизмат учун эркин нарх белгилаш сиёсати товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг дахлсиз ҳуқуқи эканлигини тан олиши билан бир пайтда, маҳаллий ҳокимият идоралари амалда рағбатлантираётган, ишлаб чиқарувчи — монополистлар томонидан аҳолининг бевосита ҳаётий таъминоти жабҳаларига кирувчи коммунал хизматлар учун тўловларнинг оширилишига қаршидир.**

**Бугун ҳам долзарблигича қолаётган ушбу муаммоларни муҳокама қилишда партия марказий органлари ва унинг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзолари, аҳолига коммунал хизмати кўрсатиш республика ва минтақавий бошқаруви идоралари, коммунал хизматларини ишлаб чиқарувчи корхоналар, молия ҳамда монополиядан чиқариш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбар ва мутахассислари, журналистлар, қатор жамоат ташкилотлари фаоллари иштирок этдилар.**

**Барча учун фақатгина назарий бўлиб қолмаган ушбу мавзу, ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Лекин, ким тарифларни кундан кунга ошириб ётибди, деган савол барчани тилида айланиб тургани билан, суҳбатда ҳеч ким айбдорларни излаш билан овора бўлмади. Энг асосийси, бу — муаммоларни аниқ белгилаш, уларни ҳал этишнинг энг оқилона йўлини топиш ҳамда бу ижтимоий соҳа дуч келган қийинчиликларни тезлик билан енгиб ўтиш йўлларини излаш бўлди.**

**Баҳс бошланиши биланоқ сўзга чиққанлар мажозий қилиб айтганда, икки қарама-қарши «қутблар» атрофида бирлашдилар.**

**Коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари, аниқ рақам ва далилларни келтириб, йиғилганларни тармоқда ислоҳотлар муттасил амалга оширилаётгани, республика Президентининг тегишли Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ўз вақтида бажарилаётганига ишонтиришга ҳаракат қилдилар.**

**Балким, шундайдир, рози бўлишди суҳбат иштирокчилари, лекин, унда, нега 2001 йилдан ҳаётга фаол татбиқ этила бошланган уй-жой — коммунал хўжалиги ислоҳоти ҳозиргача ўзининг энг асосий вазифалари — аҳолини маъқул нархлар ва зарур бўлган ҳажмда сифатли коммунал хизматлар билан таъминламади, хизматларни ишлаб чиқарувчиларнинг монополистик мавқеи оқибатлари тугатилмади? Бундай норозиликни вужудга келтираётган салбий оқибатларнинг бири, — бу тарифларнинг жуда тез ўсишидир. Уларнинг ўсиши аҳоли даромадлари ошиш суръатидан ўзиб кетмоқда. Буни, баҳс давомида таъкидланганидек, йиғилиш иштирокчиларининг ҳар бири ўз мисолида, тажрибасида кўриши мумкин.**

**Шундай қилиб, «давра суҳбати» жуда кескин, қизғин мунозара руҳида ўтди. Баҳс иштирокчилари сўзлари қисқартирилган ҳолда берилмоқда.**



**Ҳусан НЕЪМАТОВ, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари:**

— Маълумки, уй-жой — коммунал хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда бу тизимда тахминан 135 минг ходим меҳнат қилмоқда. Тармоқ асосий воситалари 2,5 миллиард сўмдан ортиқ миқдорни ташкил этади. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ушбу соҳада туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Маъмурий бошқарув тизими босқичма-босқич бартараф этилди. Қисқа муддатларда давлат уй-жой фонди хусусийлаштирилиб, у 98 фоизга хусусий мулкка ўтказилди. Кўп квартирали уйларни бошқариш учун уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ) ташкил этилди. Бундан ташқари, тармоқда 60 та нотижорат ташкилотлари уй-жойларни таъминлаш бўйича фаолият юритмоқда.

Шунга қарамай, ўтган давр мобайнида хусусийлаштирилган уй-жой фондидан фойдаланишда кўплаб муаммо ва камчиликларни кузатиш мумкин. Хонадонлар эгалари умумий мулкка нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билмайдилар, умумий мулкни бошқаришда фаол иштирок этмайдилар.

Йирик УМШларда ҳанузгача бошқарувнинг маъмурий принциплари устунлик қилмоқда. Уй-жой мулкдорлари умумий турар жой майдонларидан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилишга жалб қилинмаяпти, мулкдорлар УМШнинг молиявий-хўжалик фаолиятини етарлича назорат қилмаяпти ва баъзи ҳолларда бу маҳаллий ҳокимият томонидан маъмурий назорат чоралари билан алмаштирилмоқда. Уй-жой мулкдорларининг УМШ фаолиятидан норозилиги уйларни сақлаш ва таъмирлаш учун маблағ йиғиш ҳажмининг пасайишига олиб келмоқда, бу эса уй-жой фондининг техник ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кўп квартирали уйларни сақлаш тизимини мукаммаллаштириш учун аҳолини соҳада кечаётган ислоҳотлар, УМШлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чоралар билан таништириш, уй-жой мулкдорлари ичида уларнинг турар жойларни сақлашдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларни бошқариш йўллари хусусида тушунтириш ишларини олиб бориш зарур.

УМШнинг шу бир неча йил ичидаги фаолиятини таҳлил қилиш ширкатлар фаолиятининг қонуний асосини такомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда. Янги таҳрирдаги УМШ ҳақидаги қонунда мулкдорларнинг уй-жойларни сақлаш, коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларига аниқлик киритиш, УМШлар ва кўп квартирали уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар ўз-ўзини бошқариш идоралари ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни чегаралаш мақсадга мувофиқдир.

**Қурбон МАГОМЕДОВ, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги қошидаги «Ўзкоммунўқувташкилотчи» ўқув-услубий маркази директори:**



— Мазкур соҳадаги барча корхоналарни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчисига табиий монополистлар деб аталувчи корхоналар кириб, улар аҳолига ичимлик суви, газ, иссиқлик ва иссиқ сув етказиб берадилар. Бу корхоналар мураккаб муҳандислик қурилмалари, ер ости ва ер устидаги кўп километрлик тизимларга эга. Улар ўз вазифаларини фақатгина яхши бажарибгина қолмай, экологик тоза ва хавфсиз бўлмоғи лозим. Бу тизимларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улардан алоҳида уй ёки квартирани ажратиб олиб бўлмайди.

Ушбу тизимларнинг барчаси бир неча ўн йил аввал қурилган ва ўрта ҳисобда 40 фоизгача эскирган. Уларни иш ҳолатида сақлаб туриш учун катта маблағ талаб қилинади, бу эса ушбу корхоналар хизматлари тарифининг ортишига олиб келади.

Япониялик мутахассислар икки йил олдин Қорақалпоғистонда совуқ сув таъминоти бўйича тадқиқотлар олиб борди. Улар ичимлик сувининг 70 фоизи уйларда қувурлар, жўмрак ва шу кабиларнинг носозлиги туфайли исроф бўлишини аниқладилар. Тошкентда 1 кишига кунига 330 литр сув сарфи белгиланган, амалда эса (корхоналарнинг баланс кўрсаткичи бўйича) 700 литр сув сарфланади. Бунинг сабаби — тизимларнинг носозлиги, хизматчиларнинг паст малакаси ва истеъмолчиларнинг исрофгарчилигидадир.

Бу корхоналарни монополиядан чиқаришни қандай амалга ошириш ҳақида савол туғилади. Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 2005-2006 йилларда сув таъминоти ва сув чиқариш тизимларини монополиядан чиқариш вазифаси қўйилган. Қурилмаларнинг эгаси сифатида ё акциядорлик корхоналари тузилиши ёки ҳокимликлар иншоотлар эгаси сифатида, уларни ишончли бошқарув учун бошқарув компанияларига ўтказишлари лозим.

Худди шундай, газ таъминотида давлат улуши 51 фоиздан кам бўлмаган акциядорлик компанияси тузиш кўзда тутилган. Мутахассисларимиз яқинда Қозоғистон ва Россиянинг бизникига ўхшаш муаммолар мавжуд бўлган бир нечта минтақаларида бўлдилар ва у ерда газ таъминоти қандай йўлга қўйилганлигини кўриб келдилар. Биз бошқа мамлакатларнинг иш тажрибасига ҳам эгамиз. Энг мақбул йўл танлангандан сўнг бу масалани амалга ошириш бошланади.

Иккинчи тоифа корхоналари жумласига уйларда мўътадил яшаш учун зарур шароитларни таъминлайдиган корхоналар киради. Булар — йўл-кўприк хўжалиги, маиший чиқиндиларни санитария қоидаларига мувофиқ тозалаш ва зарарсизлантириш объектлари, кўкаламзорлаштириш, маросимларни ўтказиш хизмати, суғориш хўжалиги ва ҳоказолар. Бундай корхоналарнинг тахминан ўнтачаси бюджет маблағларидан молияланади.

Масалан, Тошкент шаҳри миқёсида, айтайлик, аҳоли турар-жойларини кўкаламзорлаштириш, тозалаш ёки ёритиш бўйича лойиҳаларни бажариш учун танлов асосида ижрочини аниқлаш ҳуқуқига эга бўлган давлат унитар корхонасини ташкил қилиш мўлжалланмоқда. Бунда бюджет маблағлари кичик бизнес ҳамда давлат корхоналарига йўналтирилади. Албатта, бу ишларнинг бажарилиши, уларнинг сифати ва ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатилади.

Ҳозир асосий эътибор уй-жой мулкдорлари ширкатларига қаратилмоқда. УМШлар бор-йўғи 3,5 йиллик иш тажрибасига эга. Бу қисқа давр ичида республикада 1342 та УМШлар ташкил этилди. Бундай тезкорликда бир қанча хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Масалан, тажриба шуни кўрсатдики, катта ширкатлар сони жуда кўп. Баъзи ҳолларда улар таркибидаги уйлар сони 50 тагача етади. Мисол учун Самарқандда 79 та уйни ўз ичига олган УМШ бор. Бундай катта хўжаликни бошқариш жуда мушкул. УМШлар тўғрисида тайёрланаётган янги таҳрирдаги қонун шу масалаларни ҳал этишга қаратилган бўлиши керак. Унга кўра, УМШга 200 тагача хонадонни бирлаштирувчи 1-2 та уй кириши мумкин ва УМШ, бошқарув ташкилоти сифатида капитал таъмир билан шуғулланмаслиги, муайян кўникма ва мутахассисликни талаб қилувчи ишларни амалга оширмаслиги лозим. Натижада шундай тартиб қарор топадики, УМШлар тегишли техника ва технологияларга эга бўлган ваколатли ташкилотлар ва тузилмалар билан шартнома тузадилар.

**Михаил ЕЛЬШОВ, Ўзбекистон ХДП МК котиби:**



— Уй-жой коммунал хўжалиги ислоҳотини амалга ошириш бўйича қонунларнинг деярли барчаси яқинда қабул қилинган. Ислоҳот жараёнида тўпланган тажриба унинг қийин жойлари, такомиллаштириш йўналишларини белгилаш имкониятини берди. Лекин, шуни қайд этиш керакки, янги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш — кўп вақт талаб қиладиган жараёндир. Шунинг учун улар қабул қилингунча, ҳаракатдагиларини яхши ишлатиш лозим. Улар эса қониқарсиз ишламоқда. Коммунал хизматларнинг нархи тез ошаётгани бунинг яққол далилидир. Уй-жой мулкдорлари ширкатларини (УМШ) фаол ташкил этиш жараёнида (2000 йил охиридан — 2001 йил бошидан) уй-жой — коммунал тўловлари 3,63 бароборга ошган, ойлик маош эса уч бароборга кўтарилган. Айниқса, бу номутаносиблик охирги бир ярим йилда кўзга ташланади – иш ҳақи 20 фоизга индексация қилинган бир пайтда коммунал хизматлар учун умумий харажатлар Тошкент шаҳри бўйича 2 баравар ошди.

Матбуотда чоп этилаётган тариф кўрсаткичлари қандай асосланаётганини билан танишганингизда, ҳайрон қиладиган нарсаларга дуч келасиз. Масалан, Тошкентда истеъмолчи битта одам учун иссиқ сувга 1304 сўм тўлайди, «Тошиссиқликэнерго»га эса унинг таннархини 1693 сўм деб ҳисоблайди. Бир қарашда, «Тошиссиқликэнерго» табиий монополист бўлиб, ўзи кўрсатаётган хизматнинг ижтимоий аҳамиятини тушунгани ҳолда ўз тарифини пасайтирган деб ўйлаш мумкин.

Энди бошқа кўрсаткичларга мурожаат қиламиз. Магистрал ва уй ичидаги иссиқлик тармоқларида иссиқликнинг 50 фоизи йўқолади. Устига устак, «Тошиссиқликэнерго» тан олганидек, истеъмолчиларнинг 20 фоизи ҳақ тўламайди.

Шуларни ҳисобга олиб, ҳақиқатда истеъмол қилинадиган иссиқ сув учун (тармоқдаги йўқотишлар, тўланмаган ҳақлар тузатувисиз) 650-700 сўм тўлаган бўлар эдик. Лекин, бу ҳам, унчалик паст баҳо эмас. Бошқача айтганда, агар ичимлик сувини олиб, уни табиий газда иситсак, бир одамга 550 сўм сарф қилинарди, электр қуввати билан иситилса 500 сўмга тўғри келади.

Бироқ, биз «Тошиссиқликэнерго»дан ичимлик сувини эмас, техник сувни (коррозияга қарши қўшимчалари билан) оламиз ва унга ичимлик сувига нисбатан икки-уч баравар қиммат ҳақ тўлаймиз. Монополист-ишлаб чиқарувчи эса бизга доим таннархидан кам ҳақ тўлаётганимизни эсга солиб туради.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа муаммоларни ҳал этиш йўли битта ҳақиқий рақобат муҳитини яратишдир. Мен ўйлайманки, бу масалани фақатгина монополист-корхоналарни ишонч бошқарувига топшириш билан ҳал этиб бўлмайди. Самаралироқ ва тежамлироқ технологиялардан фойдаланувчи иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни муқобил етказиб берувчиларни ташкил этиш лозим.

Давлат уй-жойдан фойдаланиш ташкилотларини тугатиш муносабати билан кўплаб муаммолар пайдо бўлди. Тошкентда ва бошқа минтақаларда давлат ижроия ҳокимияти маҳаллий органлари бу масалада энг осон йўлни танладилар — буйруқ асосида тузилаётган янги уй-жой мулкдорлари ширкатлари зиммасига уларга хос бўлмаган, аҳолига кўп квартирали уй-жойлардан фойдаланиш бўйича кўрсатиладиган хизматларни амалга ошириш вазифасини юкладилар.

Шуни қайд этиш лозимки, ширкатлар, биз бугун эшитганимиздек, ЖЭКларга нисбатан тахминан 5 баравар кўпроқ ташкил этилган. Натижада нима келиб чиққанини ҳисоблаш қийин эмас: битта ЖЭК бошлиғи ўрнига — УМШларнинг бешта раиси (ижроия директори) сайланди. Шунга мувофиқ, фойдаланиш хизмати меъёрлари кўзда тутилганига нисбатан бош бухгалтерлар, ғазначи, кадрлар бўйича ходимлар, техник-кузатувчилар, диспетчерлар, авария-тузатиш чилангарлар бригадалари ва ҳоказолар ҳам беш баравар кўпайди. Шундай бўлгандан кейин, фойдаланиш харажатлари анчагина ўсганлиги натижасида амалда умумий фойдаланишда бўлган объектларни капитал ва жорий таъмирлаш учун маблағ қолмаётганлигига ҳайрон бўлмаслик керак.

Ўзбекистон Президентининг 2001 ва 2002 йиллардаги коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисидаги маълум Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг тугатилаётган уй-жойдан фойдаланиш бошқармаларини уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ уй-жойларга хизмат кўрсатиш хусусий ва бошқа нодавлат пудрат ташкилотларига айлантириш ҳақидаги қарорларини бажариш учун на ҳукуматнинг янги қарорлари, на УМШлар тўғрисидаги қонуннинг янги таҳрири керак. Бунинг учун туман ва шаҳар ҳокимликларидан мазкур, ҳозиргача қоғозда қолиб кетган қонун-қоидаларни бажаришни талаб қилиш лозим, холос.

**Залдан луқма:** маърузачилар коммунал ва эксплуатация ҳаражатлари ҳақи тўлиқ тўланмаётганлигини айтиб ўтдилар. Ахир улар кўпчилик ишчилар маошларининг 60 фоизини ташкил этади-ку!?.

**Изидор КОЧМАРИК, Ўзбекистон ХДП МК котиби, Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракциясининг раиси:**



— Мен бу луқмага изоҳ бериш лозим, деб ҳисоблайман. Коммунал хизматлар ва уларнинг сифати учун тарифлар масаласи ўта муҳим масалалардан бири. Холис айтганда, булар ўтиш даври қийинчиликларидан келиб чиқмоқда. Шу билан бир қаторда. ислоҳотлар одамлар учун мўлжалланганлигини ҳеч ким унутмаслиги керак. Зеро, ўтиш даврида кам таъминланган одамларнинг ижтимоий ҳимояланиши муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, пенсионер ўзининг квартирасини сақлашга қурби етмаса нима қилсин? Арзонроқ уй топиб, унга кўчиб ўтиб, нархлар тафовутида анча-мунча фойда кўриш ҳам мумкин. Баъзилар шундай қилаётган ҳам бўлсалар керак.

Лекин, биз бугун гапнинг пўст-калласини айтишимиз керак: пенсия меъёрлар асосида кўрсатилаётган коммунал хизматларга ҳам, уй-жойдан тегишли фойдаланиш ҳаражатларига ҳам етиши лозим. Агар у мазкур энг зарур харажатларга етишмаса, демак, бизнинг бу ишларимизнинг кам-кўсти бор. Шунинг учун биз тарифларнинг бундай тезлик билан ўсишини тўхтатишимиз, уларни барчанинг қурби етадиган даражада бўлишини таъминлашимиз лозим.

**Владимир КИМ, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал-эксплуатация бирлашмаси молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи:**



— Ўзбекистонда уй-жой — коммунал тармоғида ислоҳотларни амалга ошириш бош йўналишларидан бири — давлатнинг уй-жой фондини бошқаришдан четлаша бошлашидир. Чунки, бозор муносабатларига ўтилиши билан уй-жой фойдаланиш давлат ташкилотлари (УЖФХлар, АП, ХЖО) ўз вазифаларини бажармай қўйди ва бекор қилинди.

Фуқароларнинг жамоатчилик асосидаги мустақил нотижорат ташкилотлари бўлган уй-жой мулкдорлари ширкатлари турар жой фондини бошқаришнинг янги шаклидир. Тошкентда УМШларнинг ташкил этилиши жараёни тезкорлик билан кечди, яъни 1999 йилнинг тўртинчи чорагида бошланиб, 2001 йилнинг охирида тугади. Ҳозирга келиб шаҳарда 389 та УМШ мавжуд бўлиб, улар умумий майдони 24,6 миллион квадрат метрдан иборат бўлган 413 минг квартирали 9049 та уйга хизмат кўрсатишмоқда.

Шу уйларда истиқомат қилувчилар нафақат ўз квартираларининг, балки шу уйдаги умумий мулкнинг — том, чердак, ертўла, зина, лифт, сув қувурлари, канализация, иссиқлик, газ ва электр тизимлари ҳамда жиҳозлар жойлашган ертўла хоналарининг ҳам эгасига айланди. Умумий мулк қиймати квартиралар нархидан бирмунча юқорироқдир.

Авваллари давлат томонидан кўрсатиладиган фойдаланиш хизматлари энди турли мулк шаклларида бўлган ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда. Улар орасида УМШлар етакчи ўринни эгаллайдилар. Бир қисм ишларни УМШлар бажарса, таъмир ишларини тендер асосида жалб қилинаётган пудратчи ташкилотлар бажарадилар.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш махсус корхоналар томонидан иссиқ сув ва иситиш, ичимлик суви, табиий газ, санитар тозалаш хизматларини таъминлашни ўз ичига олади. Бу корхоналарнинг барчаси табиий монополистлар жумласига киради — ҳозирча уларга муқобил корхоналар йўқ. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бозор муносабатларига ўтиш ва рақобат муҳитини яратиш учун бу йирик давлат ташкилотлари тузилмаларини ўзгартириш ва хусусийлаштириш зарур.

**Залдан савол:** Тошкентда 370 млн.кв.м уй-жой мавжуд. Эксплуатация харажатлари учун шаҳар бўйича қарздорлик кўлами қандай?

**В.М.Ким.** Тошкент бўйича қарздорлик бир ойлик тўловлар миқдорига тенг.

**Савол:** Тошкентда битта уй доирасида тузилган УМШлар нечта?

**В.М.Ким:** Бундай УМШлар ўн олтита.

**Савол:** Биз давлатнинг тариф сиёсатини тушунтиришимиз лозим. Нима сабабдан тариф сиёсати конституциявий ҳуқуқлар билан боғланмаган? Қачон энг кам иш ҳақи «истеъмол саватчаси» қийматига мос бўлади? Ижтимоий муаммоларга доир барча масалаларда ойдинлик бўлиши керак.

**Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси раиси Зуҳра САИДАМИНОВА** бу саволга жавоб бера туриб, қуйидагиларга эътиборни қаратди:



— Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерациясига тушаётган аризаларнинг 90 фоизи уй-жой — коммунал хўжалиги соҳаси билан боғлиқ. Иккита мисол келтирмоқчиман. Самарқанд вилоятида бир уйлар мажмуида йиллар давомида ҳожатхоналар умуман бўлмаган, ванналар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ваҳоланки, бизнинг тегишли тузилмамиз аралашмагунча аҳоли улар учун ҳақ тўлаб келган. Фарғона вилоятида йил давомида қатор маҳаллаларда газ бўлмаса ҳам, одамлар унинг учун муттасил ҳақ тўлаб келишган. Бундай вазият юзага келишининг сабаби рақобатнинг йўқлигидадир. Истеъмолчида танлаш имконияти йўқ.

Ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг мураккаблигига қарамай, давлат уйларни таъмирлаш учун маблағ топди ва улар тегишли капитал таъмирлашдан сўнг УМШларга ўтказилиши керак эди. Амалдаги вазият қандай? Маблағ қайси манбалардан келиб тушиши лозим? Таъмирлаш қандай принципларга қараб бажарилиши керак? Нима учун баъзи уйларга маблағ ажратилган, баъзиларига эса йўқ? Давлат маблағлари нисбатан яхши аҳволдаги уйларга сарфланмоқда. Аҳоли аризалари бўйича ушбу уйларни текширишга борганимизда шу нарса маълум бўлдики, таъмирлаш учун белгиланган пулларнинг фақат 30 фоизи мақсадли ишлатилган. Биз томларни, ертўлаларни таъмирлаш ишлари қандай бажарилганлигини текширганимизда шу нарса аниқландики, кишилар маблағларнинг ўз мулкини таъмирлашга йўналтирилиши лозимлигидан бехабар бўлганлар ва суриштирмай, далолатномаларга имзо чекишган. Улар давлат томонидан бундай маблағ сўнгги маротаба берилаётгани ва келгусида таъмирлаш ишларини фақат ўз кучлари билан бажариши лозимлигини билишмаган. Сабаби — аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмаган.

Тарифлар масаласи ҳам ниҳоятда долзарб ва оғриқли муаммодир. Монополистлар фаолияти ниҳоятда ойдин бўлиши лозим. Бугунги кунда Монополиядан чиқариш қўмитаси тарифларни тартибга солиш эмас, балки қабул қилинган тарифларни назорат қилиш органига айланган. Эндиликда тарифлар молия бошқармаси томонидан белгиланмоқда. Ушбу орган эса давлат хазинасига пул оқими кўпайишидан тўғридан-тўғри манфаатдордир. Бу ўринда идоравий манфаат устун бўлиб, Конституциянинг истеъмолчилар ҳуқуқларининг устуворлигига оид 63-моддаси бузилмоқда.

Тарифлар маҳсулот сифатига мос бўлиши керак. Ҳатто ичимлик суви ҳам стандарт талабларига жавоб бермайди. Демак, сўрашимиз керак, тариф қандай бўлиши лозим? Иссиқ сув таннархи эса 75 даражадан ҳисоб-китоб қилинади. Қачон жўмраклардан 75 даража иссиқликдаги сув оққан? Баъзан иссиқ сув келиши учун ярим соатлаб совуқ сувни оқизиб қўйиш керак. Сув ўлчагич фақат ишлатилган сув ҳажмини кўрсатади. Иссиқлик ўлчагичлари қани? Истеъмолчи қандай иссиқликдаги сув учун ҳақ тўлаётганлигини билмайди.

Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишда «истеъмол саватчаси» масаласи муҳим аҳамиятга эга. Бу масала бўйича қонун барча мамлакатларда мавжуд. Бизнинг ҳам бу муаммо билан шуғулланишимизга вақт етиб келди.

Ёки мустақил ишлаб пул топа олмайдиган Кўрлар жамияти аъзолари ва биринчи гуруҳ ногиронларини олайлик. Улар 2400 сўмдан бироз ошиқроқ товон ҳақи олишмоқда. У қандай ҳисоблаб чиқилган, Айниқса, ҳозирги коммунал хизматларга ҳақ тўлаш шароитида? Бу масалани ҳам чуқур ўрганиб чиқиш лозим.

**Саҳифани махсус мухбирларимиз Алижон АБДУРАҲМОНОВ ва Рафаэль ЗАГРАТДИНОВлар тайёрлашди**

**Бўлиб ўтган йиғилишнинг энг асосий натижаси шу бўлдики, унинг иштирокчилари аниқ тўхтамга келдилар: уй-жой — коммунал хизматлар соҳасидаги ислоҳотларнинг мақсади битта бўлиши керак, у ҳам бўлса, аҳолини жаҳонда умумқабул қилинган стандартларга жавоб берувчи, ҳаммани қурби етадиган нархларда, ҳаётий муҳим хизматлар билан таъминлаш, тариф сиёсатини юмшатиш. Агар аҳоли коммунал хизматлар қиммат эканлиги учун, улардан фойдалана олмас экан, бунда биринчи навбатда бу хизматларни ишлаб чиқарувчилар ютқазади. Улар даромадидан бюджетга тушадиган киримлар ҳам шунга мувофиқ қисқаради. Бу муаммолар атрофида ижтимоий тангликнинг сезиларли кучайиши тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Шундай қилиб, бу муаммоларни ҳал этиш учун барча манфаатдор ташкилотлар бирлашиши талаб этилади.**

**Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон ХДПнинг уй-жой — коммунал хизмати соҳасига жамоатчилик фикрини жалб этиши маъқуллаш ва қўллаб-қувватлашга лойиқ эканлигини якдиллик билан қайд этдилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, партиямиз бу масалаларни фақатгина муҳокама қилиш билан чекланмай, балки уларни давлат ҳокимияти маҳаллий органларидаги ўз депутатлик гуруҳлари орқали ҳал этишга ҳаракат қилаётир.**

# ДАЪВОГАРЛАР КЎЗГА ТАШЛАНИБ ҚОЛДИ



Футбол бўйича Европа чемпионати қизғин паллага кириб бормоқда. Айниқса, гуруҳлардаги иккинчи тур ўйинларидан кейин баҳслар муросасиз тус олаётир. 16 жамоанинг тенг ярми гуруҳларда ўтказиладиган учтадан учрашувдан сўнг чорак финалга чиқади.

Ҳозирча «А» ва «В» гуруҳларида иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Хусусан, Греция — Испания жамоаларининг учрашуви мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Маълумки, греклар дастлабки ўйинни мезбонлар жамоаси билан ўтказиб, ғалаба қозонишган эди. Уларнинг испанлар билан бўладиган иккинчи ўйини қандай кечишини мухлислар бетоқатлик билан кутардилар. Дастлабки ўйинда испанлар Россия жамоасини доғда қолдириб, қимматли 3 очкога эга бўлишган. Шунинг учун ҳам Греция ва Испания жамоаларининг учрашуви тўпларга бой бўлса керак, деган фикрлар бор эди. Лекин томонлар биттадан тўп киритиш билан қаноатландилар. 28-дақиқада Фернандо Морьентес испанларни олдинга олиб чиққан бўлса, 66-дақиқада Ангелос Харистеас ҳисобни тенглаштирди.

Дастлабки учрашувда мағлубият аламини тортган Россия ва Португалия жамоаларининг учрашуви олдидан бу ўйин ё ҳаёт, ё мамот жангига айланади, деган мулоҳазалар ҳукмрон эди. Ҳатто ўша афсонавий Эйсебио: «Бугун, ё ҳеч қачон» деб тургандан кейин учрашувнинг қандай кечиши ҳаммага аён эди-да. Албатта, Россия футболчиларининг ҳам сўнгги илинжлари шу ўйиндан эди. Аммо, дастлабки учрашувдан сўнг ярим ҳимоячи Александр Мостовой кўрсатган «найранг» Россия терма жамоаси футболчиларининг кайфиятини бузди, десак муболаға бўлмайди. Гап шундаки, бу футболчи учрашувдан кейин мухбирларга ўзига хос мулоҳазаларни баён қилган. Хусусан, у мураббийларнинг олиб борган тайёргарлик ишларидан норози эканлигини яширмаган. Ҳатто Россия терма жамоаси гуруҳдан чиқолмаса керак, деган фикрни ҳам айтган. Бундай «ноқобил» шогирднинг қилиғидан кўнгли оғриган бош мураббий Георгий Ярцев Александр Мостовойдан воз кечиб қўя қолди.

Нима бўлганда ҳам Мостовой ўйин пайтида жанговарлик руҳиятини юзага келтириш қобилияти билан ажралиб турарди. Шунинг учунми, Россия футболчиларининг португаллар билан ўйини қовушмади. Учрашувнинг еттинчи дақиқасида Манише ҳисобни очди. Танаффусдан кейин Россия жамоаси дарвозабони Овчинниковга ҳакам қизил карточка кўрсатди. Гўёки у ман этилган жойда қўлини тўпга теккизишга жазм этганмиш. Ҳакам яхши англамаганми, дарвозабон беҳуда жазоланди. Ваҳоланки, буни пайқаган Португалия ташкилий қўмитаси аъзолари судьянинг хатоси учун Овчинниковдан узр сўрашга мажбур бўлишди. Овчинников ўрнида турган дарвозабон Малофеев ҳам ўзини кўрсатишга ҳаракат қилди. У 3-4 марта жамоани голдан сақлади. Лекин 89-дақиқага борганда Руй Коштанинг зарбини қайтаролмади. Оқибатда, Португалия футболчилари ҳисобни 2:0 га етказиб, қимматли 3 очкони қўлга киритди. «А» гуруҳидаги ҳолат эса қуйидагича кўриниш олди:

| | Ю | Д | М | Т | О |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. Греция | 1 | 1 | 0 | 3-2 | 4 |
| 2. Испания | 1 | 1 | 0 | 2-1 | 4 |
| 3. Португалия | 1 | 0 | 1 | 3-2 | 3 |
| 4. Россия | 0 | 0 | 2 | 0-3 | 0 |

«В» гуруҳида ҳам иккита учрашув бўлиб ўтди. Англия — Швейцария учрашувини ҳакам Валентин Иванов бошқарди. Биринчи таймнинг ўрталарида инглизлар ажойиб ўйин кўрсатдилар. Бекхэм тўпни Оуэнга оширди. У эса ўз навбатида Рунига тўпни йўллади. Руни эса дарвозани шундай нишонга олдики, стадионда олқишлар янграб кетди. Швейцария жамоаси қарши ҳужумга ўтди. Танаффусга чиқиш олдидан улар ҳисобни тенглаштиришлари мумкин эди, лекин омадлари чопмади. Учрашувнинг иккинчи тайми бошида Швейцария жамоаси бир йўла икки ўйинчини алмаштирди. Лекин ҳакам Хаасни майдондан четлатди. Шунга қарамай, камчилик бўлиб ўйнаган швейцарлар бўш келмасликка уринишди. Аммо инглизлар ҳисобни оширишга зўр бердилар. Руни яна ўзини кўрсатди — 2:0. 82-дақиқада Стивен Жеррард учинчи тўпни Швейцария дарвозасига йўллаб, инглизларга ажойиб ғалаба келтирди — 3:0.

Хорватия — Франция учрашуви ҳам тўпларга бой бўлди. Учрашувнинг дастлабки қисми ўрталарида Зиданнинг ёрдамида Тудор автогол муаллифи бўлди. Лекин танаффусгача бу ҳисоб ўзгармади. Учрашувнинг иккинчи тайми эса кутилмаган тасодифларга бой бўлди. Хорватлар мутлақ «ўзгариб» қолишди. Уларни таниб бўлмасди. Франция дарвозасига кетма-кет ҳужумлар ўз самарасини берди. Россо бир неча рақиблар даврасида тўпни тўхтатиб, жангу жадал кўрсатди. Оқибатда, француз Силвестер хорватялик футболчини йиқитиб юборди. Жарима тўпи белгиланди. Хорват Рапаич ҳисобни тенглаштирди. Сўнг тажрибали Десайи ошириб берган тўпни Пршо дарвозага йўллаб, хорватларни 2:1 ҳисобида олдинга олиб чиқди. 65-дақиқага борганда, французлар ўзларини ўнглашди. Навбатдаги ҳужум пайтида Трезеге ҳисобни 2:2 га етказди. Шундай қилиб, «В» гуруҳида қуйидаги ҳолат юзага келди.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. Франция | 1 | 1 | 0 | 4-2 | 4 |
| 2. Англия | 1 | 0 | 1 | 3-2 | 3 |
| 3. Хорватия | 0 | 2 | 0 | 2-2 | 2 |
| 4. Швейцария | 0 | 1 | 1 | 0-2 | 1 |



Натижалардан кўриниб турибдики, «А» гуруҳида чорак финалга чиқиш учун Греция, Испания, Португалия терма жамоалари бир хил имкониятга эга. Улар орасидаги ягона омадсиз жамоа номи учинчи турдан сўнг маълум бўлади. Шунингдек, «В» гуруҳида Франция ва Англия жамоаларида имконият анча яхши. Лекин, хорватлар ҳам бўш келмаслиги аниқ.

Кеча «С» гуруҳида Болгария — Дания, Италия — Швеция жамоалари учрашдилар. Бугун эса «D» гуруҳида Латвия — Германия, Голландия — Чехия жамоалари майдонга тушадилар.

**Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ**

Спорт



Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

# БОКСЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Жанубий Кореяда бокс бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Дунёнинг қирқдан ортиқ давлатидан спортчилар иштирок этган мазкур мусобақада боксчиларимиз ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккита олтин, иккита кумуш ва битта бронза медалига сазовор бўлди.

Қувонарлиси, чемпионатда қатнашган ўн боксчимизнинг беш нафари ярим финалга йўлланмани қўлга киритган эди. Кеча ўтказилган ҳал қилувчи баҳсларда Илҳом Раҳимов (51 кг.), Зокир Ортиқов (60 кг.), Элшод Расулов (96 кг.) ҳамда Азизбек Раҳмонов (91 кг.)лар маҳорат кўрсатиб, ўзбек бокс мактаби довруғини яна дунёга ёйдилар. Иқтидорли боксчимиз Илҳом Раҳимов финалда мексикалик, Элшод Расулов эса кубалик рақибларини енгиб, олтин медаль соҳиби бўлишди. Шунингдек, ҳал қилувчи баҳсда очколар ҳисобида имкониятни бой берган ҳамюртларимиз Зокир Ортиқов ҳамда Азизбек Раҳмоновлар кумуш медаль билан тақдирландилар. Бухоролик Аббос Отаев (75 кг.) эса ярим финалда мезбонлар вакилига очколар ҳисобида ютқазиб, бронза медали билан кифояланди.

Боксчиларимиз 22 июнь куни юртимизга қайтиб келишади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Суратда:** мусобақа финалчиси фарғоналик Азизбек Раҳмонов (91 кг.) Жанубий Корея сафари олдидан.

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### ОТ ЎРНИНИ ТОЙ БОСАР, ОТА ЎРНИНИ ЎҒИЛ

«От босмаган ерни той босар», «От туёғин той босар»; «Той босмаган ерни тойчоқ босар»; «Отдан той ўзади, Отадан — бола»; «Ота кўрмаганин бола кўради»; «Қуён отолмаганнинг боласи арслон отибди»; «Отаси шаҳар кўрмаганнинг боласи Шанхай кўрибди» (Шанхай — Хитойдаги шаҳар); «От ўлса, тойи бор — Нўхтаси ерда қолмайди, Отаси ўлса, ўғли бор — Юрти вайрон бўлмайди»; «Отаси улгурмаганни ўғли тугатар»; — «Ота бузгани ўғил тузади»; «Олти кун оч қолсанг ҳам, Отанг одатин қўйма!»; «Отадан ўғил тувмасму, Ота йўлини қувмасму!» (тувмасму — туғилмайдими); «Онадан ўғил тувса экан, Ота йўлини қувса экан?!»; «Отадан бола тувар, Отанинг йўли қувар», «Ота касби — болага харом эмас»; «Отанг эрдир, Сен ҳам эрдек қилиқ қил!»; «Ота-бобонг хунари — отмоқ, чопмоқ, Сенга ким қўйди — қўш ҳайдамоқ, тупроқ яламоқ?!» (Бу билан: «Ота-боболаринг ғайратли, жасоратли, довюрак, катта-катта ишларга қўл урадиган, ҳеч нарсадан қайтмайдиган, эринмайдиган одамлар эди-ку, нега энди сен ундай қилмаяпсан?! Эриняпсанми, ё қўрқаяпсанми? Қўрқма ҳам, эринма ҳам! Енгил-елпи ишлар билан шуғулланиб, турмушимни бир амаллаб ўтказсам бўлди-да, менга нима, жон койитиб?! — деган фикрни хаёлинга ҳам келтирма, оғирроқ, каттароқ ишларни кўзла, шунинг ҳаракатида бўл!», деган маънода насиҳат қиладилар).




ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

*«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.*

**Товар сертификатланган.**

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru


# РЕШЕНИЕ ОБЩЕГО СОБРАНИЯ ОАО «LAZZAT»

## СОСТОЯВШЕГОСЯ 12 ИЮНЯ 2004 Г.

**I. Существенные факты — 09;10.**

**II. Решения общего собрания по повестке дня:**

**По первому вопросу.**

Результаты голосования:

За — 10665. Воздержались — 0. Против — 0.

Решили:

1. Утвердить отчёты (по итогам финансово-хозяйственной деятельности общества и исполнению бизнес-плана за 2003 год, бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков, отчёта по ценным бумагам) за 2003 год.

2. Считать удовлетворительным результаты работы Исполнительного органа за 2003 год.

По второму вопросу.

Результаты голосования:

За — 10665. Воздержались — 0. Против — 0.

Решили:

1. Утвердить отчёт Ревизионной комиссии за 2003 г.

2. Принять заключение аудитора ООО «Аудит-Барака» за 2003 г.

По третьему вопросу.

Результаты голосования:

За — 10665. Воздержались — 0. Против — 0.

Решили:

1. Утвердить отчёт о деятельности Наблюдательного совета за 2003 г.

2. Покрыть убыток за 2003 год из резервного фонда из-за отсутствия чистой прибыли.

По четвёртому вопросу.

Результаты голосования:

За — 10665. Воздержались — 0. Против — 0.

Решили:

1. Утвердить аудиторскую фирму ООО «Аудит-Барака» в качестве аудитора общества на 2004 год.

2. Определить предельный размер оплаты его услуг в объёме не более 150000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

По пятому вопросу.

Результаты голосования:

За — 10665. Воздержались — 0. Против — 0.

Решили:

1. Преобразовать общество в закрытое акционерное общество «LAZZAT», считать ЗАО «LAZZAT» полным правопреемником общества.

2. Утвердить Устав ЗАО «LAZZAT».

3. Утвердить изменения в проекте эмиссии акций общества.

По шестому вопросу:

За — 10665. Воздержались — 0. Против — 0.

Решили:

1. Признать избранными в Наблюдательный совет ЗАО «LAZZAT» и утвердить полномочия следующих: Сидиков Хаким Худойбергенович, Ткачёва Татьяна Фёдоровна, Толипова Васила Худойбергеновна.

2. Считать, что полномочия нового состава Наблюдательного совета адолжны вступить в силу с момента государственной регистрации Устава ЗАО «LAZZAT» с одновременным прекращением полномочий старого состава Наблюдательного совета ЗАО «LAZZAT».

3. Установить вознаграждедние Наблюдательному совету ЗАО «LAZZAT» в размере 20 мин. зарплаты (в т.ч. председателю 10 мин. зарплаты, членам по 5 мин. зарплаты) в месяц.

По седьмому вопросу.

Результаты голосования:

За — 10665. Воздержались — 0. Против — 0.

Решили:

1. Признать избранным Шерматова Аскар Эгамбердиевича ревизором ЗАО «LAZZAT» и утвердить его полномочия.

2. Считать, что полномочия ревизора должны вступить в силу с момента государственной регистрации Устава ЗАО «LAZZAT» с одновременным прекращением полномочий Ревизионной комиссии ОАО «LAZZAT».

3. Установить вознаграждение ревизору ЗАО «LAZZAT» в размере 4 мин. зарплаты в месяц.

По восьмому вопросу.

Результаты голосования:

За — 10665. Воздержались — 0. Против — 0.

Решили:

1. Признать избранным Нуритдинова Хуснитдина директором ЗАО «LAZZAT».

2. Считать, что полномочия должны вступить в силу с момента государственной регистрации Устава ЗАО «LAZZAT» и заключения с ним трудового договора согласно Устава ЗАО «LAZZAT».

3. Председателю Наблюдательного совета ЗАО «LAZZAT» заключить трудовой договор с директором после государственной регистрации Устава ЗАО «LAZZAT».

4. Утвердить бизнес-план общества на 2004 год, предложенный директором ЗАО «LAZZAT».

# КАШАНДАЛИК — УМР ЗАВОЛИ



## ҲАР 8 ЛАҲЗАДА БИР КИШИ ТАМАКИ ЧЕКИШ АСОРАТИДАН ҲАЛОК БЎЛМОҚДА

Манбалардан маълум бўлишича, чекиш биринчи марта ҳиндулар қабиласида тарқалган. Тараққиёт илгарилаган сари тамаки ва ундан фойдаланиш техникаси ҳам ривожланиб борган. Фильтрли сигаретлар, аёллар учун махсус сигаретлар пайдо бўлган. Дастлаб чекиш юқори табақага мансубликни англатган. Бора-бора тамаки истеъмол қилиш барча табақадагиларнинг оддий эрмагига айланиб қолди. Жаҳонда айни чоғда ҳар 8 лаҳзада 1 киши тамаки чекиш асоратидан нобуд бўлмоқда. Яна шу нарса аниқки, мунтазам тамаки чеккан одамнинг умри 20-25 йилга қисқаради.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда чекиш дунё миқёсидаги муаммога айланиб бормоқда. Чунки одамни у нафақат руҳий, балки жисмонан ҳам емиради, никотин одам организмига кириб, аста-секинлик билан унинг фаолиятини издан чиқариб, охир-оқибат ўлимгача олиб бориши мумкин. Маълумотларга қараганда, «аср вабо»си дея аталаётган ОИТСга чалинганлар ҳамда ўз жонига қасд қилаётганлардан кўра кашандалик туфайли вафот этаётганларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Бугунга келиб ер юзида ҳар йили 4 миллион киши кашандалик оқибатида ҳаёт билан эрта видолашмоқда. Айниқса, ўсмирлар орасида чекишнинг кенг тарқалганлиги ташвишли ҳол, албатта.

— Чекиш инсон учун иллат бўлиб, дунё халқлари ўртасида кенг тарқалган, — дейди республика Саломатлик институти оммавий ахборот бўлими мудираси **Раҳима Чўлпонова**. — Ўсмирлар вояга етар эканлар, катта ёшдаги одамларнинг ҳаётини кузатиб, улардаги бор яхши-ёмон фазилатни ўзлаштириб борадилар. Албатта, чекувчиларга тақлид қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Улар дастлаб ҳавас қилиб чекадилар. Лекин орадан кўп ўтмай чекишга ўрганиб бу иллатдан қутилиш амримаҳол бўлиб қолади. Текширишлар шуни кўрсатадики, бир қути папирос чеккан киши 0,09 грамм никотин ютади. Чекиш чекувчининг ўзигагина таъсир қилиб қолмасдан, балки унинг атрофидагиларни ҳам тоза ҳаво билан нафас олишдан маҳрум этади. Дарҳақиқат, ҳозирда тамакининг салбий таъсирини била туриб, баъзи аёллар ва қизларимиз ҳам чекишни одат қилмоқдаларки, бу жуда ачинарли ҳолдир. Қизларимиз ва аёлларимиз шуни эсдан чиқармасликлари керак: никотин ҳомилага жуда ёмон таъсир этади. Бунинг оқибатида аёлларда ҳомила тушиши ёки чақалоқ нуқсон билан туғилиши мумкин. Туғма нуқсонли бола эса оила учун катта ташвишлар келтиради.

Чекишдан келиб чиқадиган касалликлар узоқ йиллик дард ва ногиронликка олиб келади. Бу заҳарли оғудан қутилиш учун фақат бир нарса — қатъийлик ва ўз-ўзини идора эта билиш талаб қилинади.

Ҳар бир инсон ўз ақл-идроки билан саломатлигини сақлаши зарур.

— Тамаки инсон саломатлигига кучли салбий таъсир кўрсатувчи оғудир, — дейди республика Саломатлик институти шифокори **Ойдин Искандарова**. — Унинг таркибида 4000 дан ортиқ кимёвий моддалар мавжуд бўлиб, шундан 40 таси организмда турли хил ўсма касалликларни ривожлантиришга сабаб бўлади. Тамакида инсон организмига ўта зарарли бўлган уч хил модда мавжуд. Биринчидан, бу тамаки тутунидаги қурум. У нафас йўлларида ўтириб қолади, уни яллиғлантиради, натижада сурункали бронхит касаллиги ривожланади. Шунинг учун чекувчиларда, айниқса, эрталаблари узоқ давом этувчи йўтал кузатилади. Ўпка ракининг ривожланиши, нафас қисиш (астма)га чалиниш эҳтимоли ҳам ортади. Бундан ташқари, қурум қонга сўрилиб, қон томир деворларини яллиғлантиради, организмда рак касаллигини ривожлантиришга сабаб бўлади. Шунинг учун чекувчиларда турли хил хавфли ўсма касалликлари чекмайдиганларга қараганда кўп учрайди.

Қолаверса, тамакидаги никотин ўта кучли оғу. Унинг бир томчиси отни ўлдиради. Одам бу никотин моддасини тамаки билан оз-оздан қабул қилади, яъни никотин билан аста-секин заҳарланиб боради. Бинобарин, ҳар бир чекилган сигарет битта апельсиндан олинадиган миқдордаги «С» витаминини парчалайди.

Тамаки тутунининг яна бир зарарли томони бу ис гази бўлиб, қондаги гемоглобин билан бирикиб олади. Натижада организмда «кислород тақчиллиги» бошланади. Қон айланишининг бузилиши, айниқса, оёқларда қорасон хасталиги ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Тамаки чекувчи фақат ўзини эмас, балки атрофдагиларни, айниқса, оила аъзолари, фарзандларини ҳам заҳарлайди.

Демакки, чекишни ташлаган одам, наинки ўзининг, балки атрофдагиларнинг саломатлигини ҳам сақлаган бўлади..

**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ**


Ҳурматли ишбилармон тадбиркорлар!

KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI VA «RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO`LIMI» масъулияти чекланган жамияти

ҲАФТАНИНГ ҲАР ДУШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА КУНЛАРИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Х.Абдуллаев кўчаси, 30-уй манзилгоҳида жойлашган «O'ZDAVTIBLOYIHA» тиббий муассасаларни лойиҳалаштириш ва илмий текшириш давлат институти.

*Бошланғич нархи — 568 782 605,0 сўм.*

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган «A-To'lagan» масъулияти чекланган жамиятнинг Низом жамғармасидаги 25 фоизлик давлат улуши.

*Бошланғич нархи — 5 892 190 сўм.*

Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Худойқулов кўчаси, 53-уй манзилгоҳида жойлашган «2-Avtosozlash zavodi» масъулияти чекланган жамиятининг Низом жамғармасидаги 7,5 фоизлик давлат улуши.

*Бошланғич нархи — 15 695 858 сўм*

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.


Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги 4-умумтаълим мактаб томонидан 2003 йилда Мадьяров Фаррух номига берилган U№0433286 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 765

10111 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 21.45
2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA